



ISNONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 29 декабр, шанба № 204 (1217)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚОРБОБО СОВФАСИ

Пайриқ туман марказий стадионида «Қорбобо совфаси» деб номланган спорт фестивали бўлиб ўтди.

Мусобақалар 75 ёшли отахон полвонлар кураши билан бошланди. Тумандаги янги барпо этилган қишлоқ хўжалик касб-хўна қоллежидан эса қаратэ бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган спорт иштирокчилари бўлашади. Ўзига хос байрам руҳида ўтган бу тадбир соғлом турмуш тарзи аҳоли ўртасида тобора мустақам қарор топиб бораётганини намойиш этди.

Фестивалда Самарқанддаги қатор спорт клублари аъзолари билан бирга, Жиззах ва Тошкент вилоятдан ҳам ёш спортчилар қатнашди. Энг яхши иштирокчиларга туман ҳокимлиги совринлари, вилоят аънавий қаратэ федерациясининг диплом ва медаллари, Қорбобо совгалари топширилди.

(ЎЗА).

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан уюштирилган Тошкент саммити 28 декабр куни эрталаб икки томонлама учрашувлардан бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг ўзаро мулоқотларида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган кўпгина бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида эса кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов мазкур саммит янги йил арафасида ўтаётгани муносабати билан барча иштирокчиларни, улар орқали қўшни давлатлар халқларини байрам билан қизғин табриклади ва ўзининг энг эзгу тилакларини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари истиқлолга эришганига ўн йил тўлганини, ўта масъулиятли бу давр улкан тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, ўтган ўн йил ичида амалга оширилган хайрли ишлар туфайлигина бугунги кунда минтақамиз давлатлари халқлари сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимининг фаол иштирокчиларига айланди. Мамлакатларимизда янги жамиятнинг пойдеворига асос солинди. Президентларнинг шахсий дўстона муносабатлари, оқилона сиёсати, халқларимизнинг яқинлиги боис турли низоларнинг олди олинди, яхши қўшничилик аънавалари янада ривожланимда. Ҳар бир ниятли кучларнинг минтақа мамлакатла-

ри муносабатларига совуқлик солишга уриниб уюштирилган фитналари пучга чиқди. Саммит иштирокчилари таъкидлаганидек, ўтган ўн йил ичида жиддий келишмовчилик юз беришига йўл қўйилмади. Бу билан фахрланса арзийди.

Минтақамиз мамлакатлари раҳбарларининг учрашувлари ҳам ўзига хос аънамага айланган. Президентлар ўтган йилнинг апрелида Тошкентда йиғилиб, талай масалаларни ҳал қилган, террор, экстремизм, нарқобизнес, қурол-яроғ контрабанлари учун жиноятчилик ва минтақада таҳдид солувчи бошқа муаммоларга қарши кураш ҳақидаги шартномага имзо чеккан эди. Ўша учрашувнинг самарасини бугун яққол кўрмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон президентларининг яқинда имзоланган кўшма баёнотида таъкидлаганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитация қилинди. Чегара баҳонаси билан ўртамизга нифоқ солишга уринган кучлар тилини тшлаб қолди.

Бу галги саммит шуниси билан аввалгиларидан фарқ қиладики, у дунёда туб ўзгаришлар рўй бераётган пайтда ўтди. Бугунги шарт-шароит ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг таково этмоқда. Шу муносабат билан Ислам Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини «Марка-

зий Осиё ҳамкорлиги ташкилотига айлантириш таклифини ўртага ташлади. Янги ташкилот олдиға фақат иқтисодий масалалар билан чекланмай, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар жабҳада кенгайтириш вазифаси қўйлади. Лекин айна пайтда унинг ҳеч қандай ҳарбий мақсадға хизмат қилмаслигини эътибордан соқит этмаслик керак. Саммит қатнашчилари давлати миз раҳбарларнинг таклифини бир овоздан маъқуллади.

Ислам Каримов ўзаро иқтисодий ҳамкорлик янада раванқ топиши учун янги имкониятлар яратиш мақсадида Тошкентда Марказий Осиё ишбилармонларининг анжуманини ўтказишни таклиф қилди. Таъкидлаганидек, минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми имконият ва салоҳият даражасида эмас. Айнақса, қўшни ўлкаларнинг хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки жуда суст. Тошкентда ўтказилажак бизнес-форум бу борада катта бурилиш ясаши тайин. Президентлар иқтисодий ҳамкорлик соҳасида аввало қўшни юртлардан келадиган ишбилармонларга алоҳида имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашға келишиб олди.

Музокараларда маданияти ва санъати бир-бирига муштарак халқларнинг бу соҳадаги алоқалари қонуна қарсиз даражада эканлиги қайд этилди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда ўзаро бирор фестивал, декада ё шу каби бирор катта маданий тадбир ўтганини эслай олмаيمиз. Нурсултон Назарбоев келаси йилнинг боши-

да Қозоғистонда Ўзбекистон маданияти декадасини ўтказиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон томони ишлаб-чиқариш кооперацияси, хўжалиқларо бевосита шериклик, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, атроф муҳит муҳофазаси, табиий офатларнинг олдини олишға оид масалалар бўйича ҳам бир неча таклифларни ўртага ташлади. Бу таклифлар меҳмонлар томонидан маъқулланди.

Айна пайтда дунёнинг кўпгина минтақаларида иқтисодий интеграция жараёнидаги кузатиш мумкин. Бу тараққиётға эришиш йўлларида бири хисобланади. Иккинчи томондан эса, шу орқали глобаллашувға тайёргарлик қурилади, дунё иқтисодий ҳаётида юз бериши мумкин бўлган турли инқирозларға шай турилади. Марказий Осиёдек ўз ўзини озиқ-овқат, хомашё билан тўлиқ таъминлай оладиган минтақалар жуда кам. Биз ана шу салоҳиятни тўлиқ ишға солиб, ба бир бор муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди.

Шу билан Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг саммити аяқунланди. Учрашувлар ниҳоясига етганидан сўнг саммит қатнашчилари пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонига бориб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган юртдошларимизнинг рамзий қабрига гул қўйди. Юнусобод даҳасидаги Ёпиқ сув ҳавзасида ҳамда Бизнес-маркази томоша қилди. Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Тошкентдан жўнаб кетди.

(ЎЗА).

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ БАЁНОТИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат раҳбарлари минтақавий ривожланиш ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммоларини муҳокама этиб,

Марказий Осиё халқларининг аънавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари, тарихий ҳамда маданий умумийлигига асосланиб,

юзаға келган сиёсий мулоқот тажрибаси ва минтақавий ҳамкорликнинг эришилган даражасидан келиб чиқиб,

минтақадаги барқарорликни ва халқаро хавфсизликни мустақамлаш учун Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикасининг ўзаро манфаатли муносабатларининг муҳимлигини белгилаб,

минтақада ва унинг атрофида жўшқин ўзгараётган аҳволни эътиборға олиб,

халқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, гиёҳвандликнинг авж олиши, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизлик учун чегаралараро уюшган жиноятчиликдан келиб чиқаётган таҳдидлардан таъминланишни ифодалаб, сув-энергетик ресурслари, транспорт коммуникациялари ва минтақада мавжуд бўлган иқтисодий имкониятлардан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланишнинг муҳимлигини тан олган ҳолда, ўзаро тушуниш ва сиёсий, иқтисо-

дий, гуманитар ҳамда бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли асосда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустақамлашишға алоҳида эътибор бериб, қуйидагилар тўғрисида баён этадилар:

1. Давлат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳамда халқаро майдонда ўзаро яқин муносабат минтақа мамлакатларининг миллий манфаатларига жавоб беришини, тинчлик ҳамда барқарорликни минтақа ва глобал даражада сақлаб туришида муҳим аҳамият касб этишини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари умумжаҳон йўналиш оқимида амалга оширилаётган кўптомонлама алоқалар уларнинг халқлари фаровонлиги ошишиға ёрдам беришини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатларининг асосий устунлик ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик бўлишини таъкидлаб ўтадилар.

2. Давлат раҳбарлари ҳар томонлама ва ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларининг келгусида ривожланишининг зарурлигини таъкидлаб:

иқтисодий ҳамкорликнинг фойдаланиш қолган имкониятларини амалда тадбиқ этиш ҳамда унинг ривожланишиға янги турткилар бериш;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ ВА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.Ш.РАҲМОНОВНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

2001 йил 27-28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов расмий ташир билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларининг ривожланиши масалалари, муҳим халқаро ҳамда минтақавий муаммоларни батафсил муҳокама қилиб, бўлиб ўтган музокаралар давомидаги конструктив сўхбат ва ўзаро тушуниш руҳини юқори баҳолаб, икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда келишилган хатти-ҳаракатлар ҳамда умумий манфаатға асосланган ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг муҳимлигини эътироф этиб,

дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг янада ривожланиши ҳамда мустақамлашишида муҳим аҳамиятға эға бўлган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида 2000 йил 15 июндаги Шартнома қондаларига асосланиб, икки мамлакат халқларининг тарихий ва маданий жиҳатдан умумийлигидан келиб чиқиб,

минтақада ташкил топаётган янги сиёсий ва иқтисодий воқеаликлар, шунингдек жаҳонда содир этилаётган ўзгаришларни эътиборға олиб, қуйидагилар тўғрисида баён этадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари икки давлат ўртасида ҳар томонлама муносабатларни тенг ҳуқуқлилик, ички ишларига аралашмаслик, ўзаро ёрдам, суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳудудий ахлитлик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш принциплари, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон халқлари ўртасида аънавий дўстлик руҳида ривожлантиришға қатъий содиқликларини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омил хисобланган давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳаларида янада ривожланиши учун кенг имкониятлар белгиладилар.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли масалалар бўйича турли даражаларда маслаҳатлашувлар ўтказишға тайёр эканликларини маълум қиладилар.

2. Давлат раҳбарлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашға муҳим аҳамият бериб, икки томонлама ва кўп томонлама асосда халқаро терроризм, гиёҳвандликнинг авж олиши ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа қўрқинишларига қарши курашишда ҳамкорлик қилишни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг муҳимлигини таъкидладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари икки мамлакат ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш жараёнида давлат эътиришнинг муҳимлигини таъкидладилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида давлат чегараси чизигини ўтказишнинг юридик жиҳатдан расмийлаштириш бўйича музокаралар халқаро ҳуқуқ ва жаҳон тажрибаси меъёрлари ҳамда принциплари асосида ўзаро тушуниш руҳида ўтаётганини таъкидладилар. Улар бу йўналишда музокаралар олиб борилиши жараёнидан мамнун бўлганликларини ифодаладилар ва унинг тезроқ тугатилишининг тарафдор эканликларини баён этадилар.

(Давоми 2-бетда).

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг давлат бошқаруви тизимини демократийлаштириш ва сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур комиссия раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов бошқарган йиғилишда Президент Ислам Каримовнинг 2000 йил 2 июндаги Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маъ-

навий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалға ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонни ижросини таъминлаш ҳаракат дастурининг бажарилиши ақунлари муҳокама этилди.

Йиғилишда комиссия кичик ишчи гуруҳлари раҳбарларининг бу борадаги ахборотлари тингланди ва комиссия фаолиятининг 2002 йилдаги асосий йўналишлари белгилаб олинди.

(ЎЗА).

Ибрат



Хўжам бобо Норқобилов Ғузур туманининг тадбиркор, баобру кишиларидан. У 50 йиллик яратувчилик меҳнати туфайли юксак қадар тоъди. Умрдоши Қизларғул момо билан 10 нафар фарзандни тарбиялаб, воёға етказди.

— Ҳурматли Президентимиз 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилганлиги гайратимни жўш урди, — дейди ота. — Белимға гайрат камарини боғлаб, боғ яратишға киришдим.

Бобо истикомат қилаётган «Пачкамар» жамоа-ширкат

ЯНГИ БОҒНИНГ БИРИНЧИ КЎЧАТИ

хўжалигининг Қаракамбир қишлоғида уч минг нафарға яқин аҳоли истикомат қилади. Уларнинг қўли гул. Шу боис қўчалар раво, боғ-роғлар йил сайин яшнамоқда. Яққабоглик Зиркилла Муродов ва унинг ҳамсоялари 10 тупдан ниҳол экишға жазм қилганликларини эшитиб, Хўжа бобо ҳам ишға киришди. Ёниға Қувондиқ Чориев, Малик Бозоров, Усмон Муродов каби фахрийларни олиб, икки гектар

лик боғ яратишға жазм қилди. Хайрли ташаббус хўжалик раҳбари Ўткир Жумаев, саховатпеша кишилар томонидан қизгин маъқулланди.

— Яхши инсонлар ҳамisha эзгуликка бош-қош. Уларнинг шахсий ибрати, гайрат-шижвати бошқаларға куч-қувват бахш этади. Хўжам Норқобилов каби ташкилотчи кишилар сазой-харакати билан Амир Тенур номи билан аталувчи боғ барпо этиш йўлида сидқидил

меҳнат қилаемиз, — дейди Сиддиқжон ота Комилов. — Дастлабки кўчатни Хўжамполвоннинг ўзлари ўтказдилар.

Суянган тоғларимиз бўлимиш нурунийлар сазой-харакати билан шу кунларда Ғузурда кенг қўламли ободончилик ишлари амалға оширилмоқда. Бу ишға аста-секин ёшлар ҳам жалб этилмоқда. Қўллашб қилинган иш хосияти бўлади. Яна 2-3 йилдан кейин қарбасизни аjoyиб боғ барчани мафтун этади. Унинг тоғли меваларидан барча баҳраманд бўлади.

ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ

ТОШКЕНТ БАЁНОТИ

(Боши 1-бетда).

эришилган келишувлар ҳамда минтақа давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида имзоланган ҳужжатларнинг амалга оширилишининг самарали усул ва механизмларини ишлаб чиқиш

мақсадида ўз Ҳукуматларига барча даражада ўзаро муносабатларни жадаллаштиришни топширдилар.

3. Давлат раҳбарлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида Марказий Осиёдаги сув объектлари, сув-энергетик ресурслари ва сув ҳўжалик иншоотларидан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланиш соҳасида мувофиқлаштирилган ва келишилган ҳаракатлар давлатларнинг мавжуд бўлган қишлоқ ҳўжалиги ва энергетик имкониятларидан минтақа халқлари фаровонлиги йўлида самарали фойдаланиш учун замин бўлиб хизмат қилишига ишонадилар.

Давлат раҳбарлари ўз Ҳукуматларига чегараларо сув ресурсларидан фойдаланишнинг давлатларо механизмини такомиллаштириш бўйича ишни тезлаштиришни топширдилар.

4. Давлат раҳбарлари ташқи бозорга чиқиш мақсадида, биринчи навбатда, бирлашган транспорт ва энергетик тизимларини, умумий инфраструктуранинг тўлиқ бўйича ўзаро муносабат кўптомлама ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро автомобиль ва темир йўл транспортига юк ва йўловчи ташиш соҳасида илгари эришилган битимлар ва келишувларнинг оғишмай бажарилишининг зарурлигини таъкидлаб ўтдилар ҳамда «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт-коммуникацион тизимини ишлашнинг самарадорлигини ошириш бўйича келгусидаги ҳамкорлиқнинг аниқ йўналишларини белгиладилар.

Давлат раҳбарлари Транскавказ евроосиё транспорт тармоғи ТРАСЕКА доирасида транспорт юк ва йўловчи ташишининг барча қўриқларида келишилган тариф сийсати олиб берилишининг муҳимлигини тан олдилар.

5. Давлат раҳбарлари халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида ўз давлатлари ўртасидаги давлат чегара чизикларининг ўтишини юридик расмийлаштириш жараёни яқунлашининг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Давлат раҳбарлари минтақа мамлакатлари ўртасидаги чегаралар тинчлик, дўстлик ва яхши кўшничиллик чегаралари бўлганлиги ва бўлишида ягона фикрдилар.

6. Давлат раҳбарлари Афғонистон муаммосининг сиёсий ҳал этилиш жараёнининг бошланишини ижобий баҳолаб, мазкур мамлакатнинг урушдан кейинги тикланиш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган Қ.Карзай раҳбарлигидаги Афғонистоннинг муваққат маъмуриятини, БМТ ва жаҳон ҳамжамиятининг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Марказий Осиё халқлари ва Афғонистон халқи ўртасидаги аниқлашган яқин кўшничиллик муносабатлари, уларнинг тарихий ва маданий умумлигини эътиборга олиб, Давлат раҳбарлари халқаро ҳамжамиятга қўшилган ҳамда ўз кўшчилари билан тинчлик ва уйғунликда яшаётган янгилашган ва демократик давлат қуришда Афғонистон халқига гуманитар ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдирдилар.

7. Давлат раҳбарлари Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларда кескинликнинг ошганлигини ташвишланиб таъкидладилар. Яқинда кишиларнинг қўрбон бўлишига сабаб бўлган Ҳиндистон Парламентидagi террорчилик ҳуружларини кескин қоралаб, Давлат раҳбарлари Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларини салтанатга хос вазирилик қўрсатишга, фавқулодда чоралардан тийилиб туришга ва мавжуд муаммоларни сиёсий воситалар билан ҳал этишга даъват этидилар.

Давлат раҳбарлари минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш манфаатларига жавоб бера оладиган Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги яхши кўшничиллик муносабатларининг ривожланиши ҳамда мустақамланишига умид билдирдилар.

8. Давлат раҳбарлари минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашга устувор аҳамият бериб, ушбу мақсадларда терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, миллатларо уюшган жиноятчилик ва барқарорлик ва хавфсизликнинг бошқа таҳдидларига қарши курашда қўшма ҳаракатлар тўғрисида 2000 йил 21 апрелда имзоланган Шартнома ҳамда бошқа келишувлар доирасида зарур бўлган барча қўшма хатти-ҳаракатларини олиб борадилар.

Давлат раҳбарлари халқаро терроризм, экстремизм, гиёҳвандликнинг ҳуружи ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллари қарши курашнинг кенг қамраб олинган тизимини тузиш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг қўйётган қадамларини олқишладилар.

9. Давлат раҳбарлари Марказий Осиё мамлакатлари ва халқларининг ҳамкорлиги ҳамда яхши

кўшничиллигининг мустақамланишида муҳим омил сифатида маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатни кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг муҳимлигини белгилаб ўтадилар.

10. Давлат раҳбарлари сиёсий мулоқотнинг келгусидаги ривож ва диверсификацияси, минтақавий иқтисодий интеграциянинг шакл ва механизмлари, такомиллаштириш, ягона хавфсиз ҳудудни шакллантириш масалалари бўйича ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш бўйича биргаликда хатти-ҳаракатларни ишлаб чиқиш мақсадида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларда кўп режали ҳамкорликни жадаллаштириш тарафдори эканликларини билдирдилар ҳамда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти (МОИХ)ни «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилоти (МОХ) деб қайта тузишга келишиб олдилар.

11. Давлат раҳбарлари МОИХни МОХ сифатида қайта тузиш билан боғлиқ барча масалаларни кўриб чиқишни ўз Ҳукуматларига топширадилар, бунга янги ташкилотнинг юридик мақоми, низом ҳужжатлари, МОИХнинг амалдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларидан келиб чиқадиган томонлар мажбуриятларининг мерос бўлиб қолиши эҳтимоли мавжудлигида МОИХнинг шартнома-ҳуқуқий негизини инвентаризациялаш ва бошқа ҳижатлар ҳамда Давлат раҳбарларининг кўриб чиқишлари учун тегишли тақлифларни киритиш ҳам кирари.

12. Давлат раҳбарлари очиклик ва ўзаро тушуниш муҳитида ўтган конструктив музокаралар Марказий Осиё давлатларининг аниқлашган биродарона ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг келгуси ривожланишига сезиларли ҳисса қўши, деб таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари учрашувларни айнан шу таразда давом эттиришга келишиб олдилар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан меҳмондўст ўзбек ерида қўрсатилган илиқ, самимий қабул учун миннатдорлик билдирдилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБЕКОВ
Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ
Тожикистон Республикаси Президенти И. РАҲМОНОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

2001 йил 28 декабр, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ ВА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.Ш.РАҲМОНОВНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Боши 1-бетда).

Давлат раҳбарлари икки давлат ўртасидаги чегаралар икки давлатнинг биродар халқларини бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва яхши кўшничиллик чегараси бўлган ва шундай бўлиб қолиши лозим деган ягона фикрни билдирдилар ва икки мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш, чегара, божхона органлари ҳамда махсус хизматлари Ўзбекистон-Тожикистон давлат чегарасини тегишли тартибда назорат қилишни таъминлаш бўйича биргаликдаги мувофиқлаштирилган хатти-ҳаракатларини олиб бориш тарафдори эканликларини билдирдилар.

4. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва И.Ш.Раҳмоновнинг ўзаро муаммоларни ҳал қилишда демократик давлат қуриш ишида барча имкониятлар билан ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор этидилар.

5. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президенти ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларнинг кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишига биринчи даражали аҳамият берадилар, чегара бўйи савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишини олқишладилар ҳамда уларнинг янада кенгайтирилиши ва мустақамланишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича чоралар қўришни икки давлат Ҳукуматларига топширадилар.

6. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича Ҳукуматларо қўшма комиссияни тузишни ва яқин вақт ичида унинг биринчи мажлисини ўтказишни ўз Ҳукуматлари зиммасига юкладилар.

7. Давлат раҳбарлари транспорт коммуникациялари икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналишларидан бири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ

эканлигини таъкидлаб ўтдилар ва автомобиль, темир йўл, ҳаво ва транспортнинг бошқа турлари соҳасида келгусидаги ҳамкорликда ўзаро фойдали йўналишларни белгиладилар.

8. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президенти халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва меъёрлари асосида сув объектлари, сув-энергетик ресурслари ва сув ҳўжалиги қурилмаларидан оқилона ҳамда биргаликда фойдаланиш соҳасида мувофиқлаштирилган ва келишилган хатти-ҳаракатларнинг зарурлигини таъкидладилар.

9. Давлат раҳбарлари гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар, бунга фан, маданият, таълим, ахборот соҳасида ўзаро муносабат ҳам кирари.

Икки давлатнинг тегишли маданий, таълим ва илмий марказлари ва идоралари ўртасидаги алоқаларни жадаллаштиришни, гуманитар ҳамкорлиқнинг шартнома-ҳуқуқий негизини кенгайтириш бўйича ишни давом эттириш Ҳукуматлар зиммасига юклатилди.

Давлат раҳбарлари ўзаро маданият ва ахборот алмашуви янада ривожлантириш мақсадида Тожикистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Тожикистон Телерадиокомпанияси дастурларини эфирга узатишни ташкиллаштириш масалаларини тез орада ҳал этиш заруратини таъкидладилар.

10. Тожикистон Республикаси Президенти И.Ш.Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга Ўзбекистон Ҳукумати ва халқи томонидан қўрсатилган илиқ, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва уни Тожикистон Республикаси ташриф буюришини тақлиф этди.

Тақлиф миннатдорлик билан қабул қилинди. Ташриф мuddатлари дипломатик йўллар орқали келишиб олинди.

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИМОМАЛИ РАҲМОНОВ

2001 йил 27 декабр, Тошкент шаҳри.

Президентимизнинг хотин-қизлар ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшнма чоратadbирлар тўғрисидаги Фармони шарофати ила аёлларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш юзасидан ибратли ишларга қўл урляпти.

Бир фармон шарофати

учун 1 миллион 300 минг сўм ўтказилди. Кам таъминланган оилалар 17 нафар фарзандининг

турибди. Ходимларини ишга олиб келиш ва элтиб қўйиш учун автоулус ҳам ажратилган.

Тўқувчи Жумагул Гелдиёрова, Йигирувчи Саида Шокирова, калава ўровчи Наргиза Қосимова, тайёрлов цехидан Мухаббат Худойбердиева сингари ишчилар ишга виждонан ёндошиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Саховатпешалик — олийжаноб фазилат. Жамоамиз тумандаги 2- ва 4-умумтаълим мактаблари биналарини таъмирлаш учун ҳоийлик ёрдами қўрсатди. Бундан ташқари «Нуроний» жамгармасига 350 минг, қўзи оғизлар жамиятига 100 минг сўм маблағ ўтказилди. Касаба уюшма кўмитаси хотин-қизларнинг ижтимоий аҳолини яхшилаш, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилишни бундан кейин ҳам ўзининг асосий иши, деб ҳисоблайверади.

Жуманазар ҚОДИРОВ, Жарқўрғондаги «Сурхонтек» хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор» деб бежиз айтаман. Қоракўлик Райим ота Худойқўлов эл назарига тушган бахтли инсонлардан. Отаҳон 70 ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳамон тиниб-тинчимайди. У оддий ғишт теруевичликдан жамса раҳбаригача бўлган йўлни боқиб ўтди.

Йиллар ва одамлар

сифатида тенгдошлари Қорёғди Янгиева, Эгамурод Бобоев, Теша Бегиёвлар билан бирга ёш-

малҳам бўлишга ҳаракат қилади. У 9 нафар фарзанди, 40 дан зиёд невараси, 10 нафар эварасига ҳам худди шундай хислатларни сингдириб борапти. Томорқасида етиштирган картошка, мевачевадан, ҳатто, қўлдан овланган балиқча кам таъминланган қишлоқдошларига улашиб туришни қанда қилмайди. Тез-тез мактаб, богчадан, «Муруват уйи»нинг тарбияланувчиларидан кўнгул сўраб туради.

Райим отанин яна бир ажойиб хислати бор. У ҳам бўлса етим-есирлар, бева-бечоралар, яқка-ёлғизларга бўлган меҳрибонлигидир. Отаҳон турли байрамларда маҳалла фаоллари билан бирга уларга совға-саломлар улашади. Бир пайёна чой баҳона одамлар дилидагини билиб олиб, унга

— Биласизми, ўғлим, — дея ўз фикрини ифодалайди отаҳон, — бу одам биз учун имтиҳондир. Бунди атрофдагиларга эслатиб турман. Халқимиз, меҳрибон Президентимиз олдида қарзларимиз кўп. Уларни узиш учун ёниб-жушиб меҳнат қилмоғимиз керак...

Н.УСМОНОВ.

КОРХОНАМИЗ ФАХРИ, АЁЛЛАР!

Айни пайтда 1400 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим ишлаётган меҳнат жамоамиз аъзоларининг 80 фоизини хотин-қизлардир. Маъмурият билан ҳамкорликда ишловчи аёлларнинг меҳнатини рағбатлантириш, даромадларини ошириш, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида аҳамият бераёلمиз.

Бундан бир йил муқаддам ишга туширилган корхонамизда 5 турдаги калава ип ва бўз мато ишлаб чиқарилади. Янги технология жараёнидан кенг қўлланилаётганлиги, меҳнатга янги муносабат қарор топганлиги туфайли иш

унумдорлиги ошиб, махсулот сифати яхшиланиб бормоқда. Тайёр махсулотлар асосан Полянда давлатига экспорт қилинмоқда.

Йиллик режа ортиги билан бажарилди. 24 миллион сўмлик соф фойда олинди. Хар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 30 минг сўмдан тўғри келди.

Даромад ошгани сайин ходимларни ижтимоий ҳимоялашга янада кўпроқ маблағ ажратилаёпти. Аёлларнинг соғлигини мустақамлаш, фарзандларини даволаш учун кўп болали оилаларга салкам 2 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Соғломлаштириш масканларига йўлланмалар

қўллари ҳалолланди. Ишчиларнинг 76 нафар ўғил-қиз бочада жамиятимиз ҳисобидан бепул тарбияланмоқда.

Тиббиёт-санитария бўлими 904 минг сўмлик дори-дармонлар билан таъминланди. Ходимларнинг даволанишлари учун эса 1,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Жамият ишчи-хизматчилари бепул қанд, шакар, сут ва сут махсулотлари билан мунтазам таъминланаёпти. 498 минг сўмлик иш кийимлари олиб берилди. Кам таъминланган оилаларга М.Шаймуродова, Б.Мартова, Х.Шойимоваларга доимий равишда моддий ёрдам қўрсатилмоқда.

Ошхона ва чойхона ишлаб

Шу кунларда барча меҳнат жамоаларининг ишчи-хизматчилари, ходимлари зўр кўтаринчилик билан меҳнат қилишмоқда. Янги йилга муносиб меҳнат совғаси ҳозирлаш уларнинг дил мuddаси. Янги ишга туширилган кичик корхоналарнинг сифатли махсулотлари ҳам халқимизга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Суратларда: ўз касбининг фидойилари, байрамни ёрғуз билан қаршилаётган Қарши туманидаги Я.Омонов номли ҳўжалик чорвадори Дилором Жўраева; Баҳористондаги тез ёрдам бўлими шифокори Сирожиддин Эшонқўлов; Оҳангарон шаҳридаги Ўзбек-Турк қўшма корхонаси ташаббускор ишчиси Бахтиёр Очлов; конимехлик тикувчи Ойсулув Қурбонбоева.

Қоракўл марказида қад ростилаган марказий касалхона, ҳўжалик бошқарувининг янги идораси, ўзи яшаётган Сорт қишлоғидаги қўш қаватли мактаб биноси, болалар богчаси, поликлинника, спорт майдончалари қурилишига унинг озмувча хизматлари сингмади. Хомчўт қилиб чиқилса, Райим қурувчи 30 га яқин йирик иншоотларнинг қад ростилашида фаол иштирок этибди.

Ота Республикамиз Президентининг Фармони билан бунёдкорона меҳнатлари эвазига «Шўхрат» медали билан тақдирланди. Сал аввалроқ «Республикада хизмат қўрсатган

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

қурувчи» фахрий унвонига сазовор бўлганди. Райим ота нафақага чиққач, уйда тинч-хотиржам яшаса бўларди. Аммо, тиниб-тинчимас отаҳон Мустақиллик қўрғонини ростилашга ўз улушини қўшгиси келди. Ўғиллари Шойимжон, Қурбонбой, Мухаммаджон, Олтибой, Баҳодиржонларга бош-қош бўлиб, томорқа имкониятларини амалда қўрсатди, бўш вақтида балиқ овланган, эл дастурхонига тортиқ этди. Қишлоқ оқсоқоли

лар тарбияси, уларнинг бўш вақтларини мазмуний ўтказиш, тўй-маъракалар, турли кўнгулочар маросимлар хусусида жиддий бош қотирди. Райим отанин яна бир ажойиб хислати бор. У ҳам бўлса етим-есирлар, бева-бечоралар, яқка-ёлғизларга бўлган меҳрибонлигидир. Отаҳон турли байрамларда маҳалла фаоллари билан бирга уларга совға-саломлар улашади. Бир пайёна чой баҳона одамлар дилидагини билиб олиб, унга


БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ АТРОФИДА

Янги йил муносабати билан Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши Урганч шаҳридаги 94-Махсус мактаб-интернат ўқувчиларига янги йил совғаси бериб, байрам дастурхони ташкил этди. Бу ёрда кам таъминланган оилалар болаларига 320 минг сўмлик совға-саломлар улашилди. Йиғилганларни Кенгаш раиси Марат Юсупов табриқлади. Хивадаги қўғирчоқ театри эса ўқувчиларга бепул томошалар қўрсатди.

Мактаб-интернат директори Тўхтажон Каримова муруват ишлари учун миннатдорчилик билдирди.

Вилоят Кенгаши хайрли тадбирларни давом эттириб, вилоят шаҳар ва туманлардаги етим болаларнинг 570 нафарига 700000 сўмлик совға-саломлар топширди. Бундан ташқари, тармоқ касаба уюшма кўмиталари ва бошланғич ташкилотлари ҳам ўзларининг қарамогидаги кам даромадли оилалар болаларига 4 миллион сўмдан зиёд совға-саломлар тўхфа этди.

Э.ЭРМАТОВ, Хоразм.



ФАХРИЙЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Кириб келаётган 2002 йил республикамизда Қариларни эъозлаш йили деб эълон қилинди. Соцларига оқ тушган, ҳаётий тажрибага бой одамлар барча даврларда хурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган. Айниқса, Шарқда улар ўзгача эъозланади.

Катта ёшли одамлар Андижон вилояти аҳолисининг қишлоқ башқармаси 19 та шаҳар ва туман ижтимоий таъминот бўлими, 16 та меҳнат бўлимини бирлаштирган, дейди бошқарма бошлигининг биринчи Бизнинг қарамогимизда 4 та меҳрибонлик уйи, ногиронларни реабилитация

қилиш маркази ва ўқув-услубий марказ бор. Меҳрибонлик уйларида 900 нафарга яқин ногирон тўлиқ давлат таъминотида яшамоқда. Уларга уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, пойабзал, дори-дармонлар бепул берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган қарорига мувофиқ, вилоятда 3300 дан зиёд киши рўйхатга олинган, уларга ҳоий ташкилотлар бириктирилган. Фуқароларнинг бу табақаси доимо бизнинг диққат эътиборимизда. 700 нафардан ортиқ нуронийга ҳоийлар ҳисобидан қиймати бир миллион сўмдан ошмиқ дори-дармонлар бепул тарқатилди. Ёрдамга муҳтожларга кўнгуллар кўмаклашмоқда.

(ЎЗА).

ЛОКОМОТИВ ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ

Йўловчи ва юк ташишда темир йўл транспортининг ўрни беқийс. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу йилнинг баҳорида Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи очилганлиги бунга аққол мисол бўла олади. Янги йил арафасида эса Андижон локомотив депосида ЧМЭ-3 локомотивини таъмирланди, ТЭМ-2 ва ЧМЭ-3 локомотивлари эса замонавий талабларга тўла жавоб берадиган бўлди.

Азиз юрtdошлар!

"Андижонтелеком" акциядорлик жамияти

Сизларни зўр шоду хуррамлик

билан кутиб олинаётган

Янги 2002 йил билан

муборакбод этади.

Она-Ватанимиз – хур Ўзбекистон


гуллаб-яшнайверсин. Ўз касбининг

фидойилари бўлмиш алоқачилар ишлари

ҳамиша бароридан келсин!

СОАТ МИЛЛАРИ 12 МАРТА БОНГ УРГАЧ...

Янги йил байрами дунё мамлакатларида ниҳоятда хилма-хил тарзда шод-хуррамлик билан ўтказилади. Уни қайси мамлакатда қандай қутиб олишди?



Болгарияда Янги йил кирганлигидан дарак берувчи сўнги бонг урилганда барча хонадонларда чироқ ўчади. Шу дақиқаларда ҳамма ўпишиб, байрам билан бир-бирини табриқлайди.

Уй бекалари Янги йил пирогини ичишга кичик-кичик эсдалик соғаб солиб пиширишади. Кимга байрам пирогини ичидан танга чиқса, у бойиб кетади. Атиргул гунчаси чиққан киши эса ишқий бахтга муяссар бўлади, деб ҳисоблашади.

Австралияда мўри тозаловчи қадим-қадимдан омад ва эсон-омонлик рамзи саналган. Нақл қилишларича, қадимда агар Янги йил қутилади-ган кун кўчада мўри тозаловчи кўриниб қолса, одамлар унинг ортидан чопиб, кийимлари-ю, юз-қўлларини унга суртиб, қурум юктиришади.

Боланинг тили ширин

— Буважон, нега янги йилда, арча ясашиб, ўйинчоқлар осилади?

— Бу янги йилнинг кириб келганини билдиради.

АНТИҚА ИХТИРО

— Унга ким асос солган?

— Биласанми, Азизжон, бунга...

— Буважон Сизам ихтирочисиз-ку, бир янгилик яратмайсизми?

— Қандай янгилик?

— Бу жуда осон, биласизми, турли ўйинчоқлар ўрнини шоколад-конфетлар билан алмаштириб қўясиз, тамом. Шеър ёдламаган, шеър ёдлайди, ўйнамаган ўйнайди, ашула айтаман ашула айтади.

— Нима дейсиз, буважон?

Б.ШЕРМАТОВ.



Янги йилни ҳеч ким болалардек орзиқиб севиниб қаршиламайди. Улар арча байрамга алоҳида тайёргарлик кўриб, шеърлар ёдлаб, қўшиқ айтади. Болаларвар юртимизда Янги йил байрами аллақачон бошланиб кетди.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар.



ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

Давлат солиқ қўмитаси ходимларининг 500 нафар фарзанди шу йилнинг 29 декабридан 2002 йил 11 январигача бўлган давр мобайнида Тошкент циркида бўлиб «Телемузикаларнинг Янги йил саргузаштлари» дастурини қизиқиш билан тамоша қилади. Қўмита касабга уюшма ташкилотининг саёй-ҳаракатлари билан ўғил-қизларимиз учун шундай имконият яратилди.

Янги йилнинг дастлабки кунларида солиқ тизими ходимларининг яна 500 нафар фарзанди Ўзбек Миллий академик театрига ташириб буюради. Улар муҳташам театр биносида Қорбобо ва Қорқиз иштирокида ўтказиладиган арча байрамнинг бевосита қатнашчиларига айланишади. Шу ерда эсдалик учун сеvimли санъаткорлар билан ёнма-ён суратга тушадилар.

Яна бир гуруҳ фарзандларимиз учун Тошкент кўғирчоқ театрида қизиқари томошалар тайёрланмоқда. 7-8 январ кунлари улар жонли кўғирчоқлар иштирокида намойиш этиладиган эртақлар оламига саёҳат қиладилар.

Ж.НОСИРОВ.

Истеъдодли ёшлар — келажакимиз

Лобар Жумаева оилада учинчи фарзанд. У ёшлигидан адабиётга қизиқди. Ўқитувчилари ўғитларига амал қилиб, янглишмаган экан. Шеърятга ошувфалиги уни ижодий изланишларга етаклади. Натига ҳам қўтилганидан зиёд бўлди. Нишон туманидаги Хамид Олимжон номли мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси Лобар устозлари ишончини оқлади. У босқичма-босқич ўтказилган танловларда республика қолибларидан бири деб топилди, 3-ўринни олди.

ЛОБАР — РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

«Орузларим парвозда менинг» мавзuida ёзилган эркин иншода ғолиб бўлиш ўқувчи учун катта синов, - деди мактаб директори Мурод Усмонов. - Лобар нафақат мактабимиз, балки вилоят шарафини ҳам ҳимоя қилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон авиа ходимлари касабга уюшмаси Марказий қўмитаси, Ўзбекистон радиосининг «Маърифат» Бош муҳарририяти ҳамкорлигида ўтказилган бу кўрик-танловда Л.Жумаеванинг «Юртимга менинг ҳиссам», «Бувижимон хотирлаб», «Она» сингари йиғирмага яқин шеър муҳожамадан ўтди. Уларда Мустақил Ватанимиз истикболи, инсон қадри, мунис оналар меҳнати тарафдорлиги айтиш



жоизки, туман ўқувчилари жорий йилда бир неча танловларда иштирок этиб, қимматбахо мукофотлар, Фахрий ёриқлар билан ҳам тақдирландилар. Абу Райхон Беруний номли лицей ўқувчиси Мунира Бекниёзова экологик йўналиш бўйича «Иқтидорли ўқувчилар» республика танловига қатнашган бўлса, Ойбек номли мактаб ўқувчиси Озода Яхшибоева «Мен

нечун севаман Ўзбекистонни», Фафур Фулом номли мактабнинг IX-синф ўқувчиси Раҳмон Турсунов «Болалар кўзиде олам муҳасам» сингари кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, вилоят Бадий ижодкорлар уюшмасининг Фахрий ёриғига лойиқ кўрилди.

«Истиклол» болалар ва ижодкорлик марказида «Зарб-2001», «Табиат инъомлари», «Қўшиқлар байрами», «Ватаним — фахрим менинг» мавзуларида ўтказилган йиғирмага яқин кўрик-танловда ўқувчилар фаол иштирок этдилар.

— Бу ҳол биз мураббийларни гоят қувонтирмади, - деди «Истиклол» болалар ва ижодкорлар маркази директори Рўқия Кенжаева. - Хусусан, Раҳмон Турсуновнинг ўймакорликка оид ишлари келгусида уни маълум мутахассис бўлиб етишиб чиқишдан далолат беради. Унинг қўлида жило топан буюмлар барчанинг эътиборини тортди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири.

Суратда: Хамид Олимжон номли мактабнинг XI-синф ўқувчиси Лобар Жумаева.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

«Нью-Йорк сонди таймс» газетаси дунёдаги энг оғир газета ҳисобланади. Унинг бир сони 6,35 килограммга тўғри келади. Ҳатто газетанинг баъзи сонлари оғирлиги 7,3 килограммгача етаркан.

Америкалик астроном номи билан аталган «Эрвин Хобби» телескопи дунёдаги энг муҳим ва энг катта телескопдир. Унинг оғирлиги 11 тонна, узунлиги 13,1 метр, баҳоси 1,2 миллиард долларга тенг.

Хотира турнири

баҳо совғалар инъом этилди.

БЕЛ ОЛИШУВЛАР

дилрабо куй-қўшиқларга уланиб кетди монда саъаткорлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан тадбирга ўзгача файз бағишладилар. Ғолибларга жамоа ҳўжалиги бошқаруви касабга уюшмаси ва ҳомий ташкилотлар томонидан 20 та гилам ва қиммат-

қийлоқлар қиёфаси гўзаллашди. Аммо унинг меҳнатлари мустабид тўзум даврида қадрини топмади, «пахта иши» билан қамалиб, узоқ йиллар ҳам руҳан, ҳам маънан изтироб чекди.

Янши инсоннинг хотираси эзгуликка йўл очади. Қанчадан-қанча ёш полвонлар устозлар назаридан ўтиб, катта курашга йўлланма олдилар.

Ш.РАУПОВА.

Чирой шайдоларига

ПАРДОЗ ТОКЧАСИ

Гўзаллиги билан дунёга машҳур мадам де Помпадур ҳар кун шакарни тухум оқиға ийлаб юзига суртган. Шунда юз оппоқ бўларкан.

Гўзал Клеопатра эса юзига янги узилган шафтолини эзиб суртишни одат қилган.

Римнинг гулрухсор аёллари бундан II аср олдин юзларини жуда оддий усулда парварिश қилишган. Икки ош қошиқ кўк нўхат унини творог сувига аралаштириб, уни юзларига суртиб, қуригунча бармоқ учлари билан айлантриб, тушиб кетгунча сабр-тоқат қилиб ўтиришган.

Кейин юзларини олдин илиқ сув, сўнгра совуқ сув билан ювиб ташлашган. Бу ниқоб терини тозалашга кўймай, балки уни текис ва силлиқ қилган.

ГОЛЛИВУДЧА НИҚОБ

Икки ош қошиқ арпа ёки жўхори унини битта тухум оқиға кўпиргунча аралаштириб, юзга суртилади. 15-20 дақиқадан кейин қуригач, ҳўл сочиқ билан артиб, олдин илиқ сув, сўнгра совуқ сувда ювилади. Бунда юз териси чиройли ва силлиқ бўлади.

Кино соҳасида йилнинг энг йирик воқеаси ҳақида ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг, деб мулоқотга чорлашганда, ўйлаб қолдинг. Зеро, ижоднинг бу соҳасидаги асосий воқеа — бу филм. Таъсирчан, сермазмун бадийий филм!

Суратга олинаётган, монтаж ва овоз ёзиш хоналарида сайқал топаётган бир сериялик «Дилхиро» бадийий кинофилми, кўпсериялик «Фидойилар» видеофилми ҳозирча жамоат кўригидан ўтганича йўқ. Бу икки асарнинг сценарий асослари билан таниш бўлсак-да, уларнинг экрандаги шаклини кўрмаганимиз са-

хар бир кадр устида кунт билан ишлаб, кимсан Шукур Холмирзаевдек қалам устаси ҳўқосининг руҳини экранда сақлаб қолишга эришди. Муаллиф ва режиссёр сифатида ижод этган Ботир Маматиллаев эса наркотик қўлига ай-



БИР САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

тида ўтган ёшларнинг халқро киноанжуманида Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг истеъдодли талабаларидан бир нечаси совринлар билан тақдирлангани бўлса, иккинчиси, Тошкент экраниде йил давомида Европа мамлакатлари, шуниингдек, Япония киносининг қатор бадийий асарлари намойиши бўлди. Нилуфар Ҳамидова Абдулла Қаҳҳорнинг ҳўқоси асосида «Анор» видеофилмини муаллиф, режиссёр ва бош рол ижрочиси сифатида томошабинга тақдим этиб, олқиш олган бўлса, Нилуфар Галиеванин инсон Қўлига ўқиган аввало юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, сўнгра яқин ва узоқ хорижий мамлакатларда кенг намойиш этилишини таъминлашни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан 2001 кинойилининг икки муҳим воқеасини айрим тафсилотлар билан таърифлаб ўтишни истардим. Зеро, улар муста-

ри, шуниингдек, Япония киносининг қатор бадийий асарлари намойиши бўлди. Нилуфар Ҳамидова Абдулла Қаҳҳорнинг ҳўқоси асосида «Анор» видеофилмини муаллиф, режиссёр ва бош рол ижрочиси сифатида томошабинга тақдим этиб, олқиш олган бўлса, Нилуфар Галиеванин инсон Қўлига ўқиган аввало юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, сўнгра яқин ва узоқ хорижий мамлакатларда кенг намойиш этилишини таъминлашни тақозо этмоқда.

«Ойнажаҳони» бўлиб қолганини ҳар қанча қутласак арзийди. Биз Япония, Италия, Франция, Германия, Англия ва Чехия каби мамлакатларнинг филмларини кўриб эстетик завқ олдиқ, фалсафий уйларга берилдик. Япон филми қаҳрамони ўн йил давом этган летаргия уйқусидан уйғониб берадиган саволларидан бири «Нима, Совет Иттифоқи йўқ бўлди-ми?» дейиши ёки Италия

филмида ижтимоий-сиёсий ҳаётга аралашмайман, иштирок этмайман, деб юрадиган мўйсафид Перейра эл-эрт озолиги йўлида жонларини қурбон этган ёшларни кўриб, аввалги фикридан қайтиши жараёни ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги тайин. Бундай асарлар айниқса, ёшлар диққатини тортганлиги кишида эртанги кинематининг порлоқ эканлигига беихтиёр умид уйғотади.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Мирзо Улуғбек туманида фаолият кўрсатаётган «Қорасув» уй-жой мулкдорлар ширкати **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. **Тел: 65-88-07.**

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабга уюшмалари Тошкент вилоят қўмитаси «Ротор» корхонаси директори, «Урта Оснё рангметанергия» АЖ кузатув кенгаши раиси **Б.КИСИЛЁВ**га волидаи муҳтарамаси **Анна КИСИЛЁВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир уринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохит Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табор, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.